XALQ DEPUTATLARI YANGIARIQ TUMANI KENGASHI
Q A R O R I

Yangiariq tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 74-uy, tuman kengashlar uyi telefon: (62)385-42-36, (62) 385-53-36

2022 - yil 29 - mart VI-69-57-12-179-K/22 Yangiariq tuman hokimligi

Янгиариқ туманидаги мавжуд номлари давлат рўйхатидан ўтмаган қабристон, истироҳат боғи, ҳиёбон, зиёратгоҳ ва аҳоли яшаш пунктларига ном бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2021 йил 23 декабрдаги 08-07326-сонли ёзишмаси ҳамда Экспорт комиссиясининг 2021 йил 20 декабрдаги 01-14-919-сонли “География объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ҳақида”ги эксперт хулосасини, шунингдек “География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари” бўйича туман комиссиясининг 2021 йил 22 ноябрдаги 67-сонли йиғилиш баённомаларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Янгиариқ тумани Кенгаши.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссияси раисининг ўринбосари И.Ўруновнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Эксперт комиссиясининг 2021 йил 7 декабрдаги 01-14-919-сонли “География объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ҳақида”ги хулосасига асосан тумандаги мавжуд 41 та қабристон, 1 та истироҳат боғи, 1 та ҳиёбон, 1 та зиёратгоҳ ва 1 та аҳоли яшаш пунктларининг номлари қонун ҳужжатларига мувофиқ деб топилганлари рўйхати 1-иловага асосан тасдиқлансин.

3. Туман ободонлаштириш бошқармаси (А.Ражабов), туман бош имом хатиби (Р.Отажанов) 1 ой муддатда Янгиариқ туманидаги мавжуд қабристонлар ва бошқа географик объектларни ушбу қарор иловаларига мувофиқ тасдиқланган рўйхат асосида номларини ўрнатиш ва қонунга мувофиқлаштириш шунингдек номлари номувофиқ деб топилган қабристон ва бошқа географик объектларнинг номларини қонунга мувофиқлаштириш бўйича таклифларни ва шу юзадан олиб борилган ишлар бўйича маълумотларни белгиланган муддатда “География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари” бўйича туман комиссиясига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Туман архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи (Ж.Йўлдошев), туман кадастр агентлигининг Янгиариқ тумани бўлими бошлиғи (З.Камолов), Давлат кадастрлар палатаси Янгиариқ тумани бўлими бошлиғи (М.Ражабов) туман Давлат солиқ

инспекцияси бошлиғи (О.Абдуллаев), туман статистика бўлими бошлиғи (Т.Бекчанов), туман молия бўлими бошлиғи (А.Бекчанов), туман давлат хизматлари маркази раҳбари (З.Бекназаров) ва бошқа тегишли мутасадди давлат органлари билан биргаликда иш юритиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бошқа тегишли тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларни амалга оширсинлар.

5. Мазкур қарор “Янгиариқ овози” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси (Ш.Худайберганов) ҳамда туман ҳокимининг ўринбосари - Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссияси раиси ўринбосари (И.Ўрунов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Янгиариқ тумани Кенгаши сессияси раиси **Б.Абдуллаев**

Xalq deputatlari Yangiariq tuman
Kengashining
2022 yil 29 martdagi
VI-69-57-12-179-K/22-son qaroriga
1-ilova

Янгиариқ туманидаги мавжуд номлари давлат рўйхатидан ўтмаган қабристонлар ва бошқа географик объектларининг давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тасдиқланаётган номлари

РЎЙХАТИ

Т/р	**География объектнинг тури**	**География объектнинг жойлашган ўрни**	**Эксперт комиссиясининг хулосасига асосан тасдиқланаётган номлар**
1.	Хиёбон	Янгиариқ маҳалласи	“Ёшлик” хиёбони
2.	Зиёратгоҳ	Остона маҳалласи	“Шайх Муҳтор Валий”
3.	Боғ	Янгиобод маҳалласи	“Мустақиллик” маданият ва истироҳат боғи
4.	Аҳоли яшаш пункти	Дўстлик маҳалласи	Бекватан
5.	Қабристон	Огоҳий маҳалласи	“Хазрати Ғойиб ота”
6.	Қабристон	Шихбоғи маҳалласи	“Шайх Абдулла Румий”
7.	Қабристон	Шеробод маҳалласи	“Шерали бобо”
8.	Қабристон	Қармиш маҳалласи	“Шайх Жалолиддин Румий”
9.	Қабристон	Остона маҳалласи	“Шайх Муҳтор Валий”
10.	Қабристон	Чиқирчи маҳалласи	“Саид Мурод Эшон”
11.	Қабристон	Таган маҳалласи	“Таган бобо”
12.	Қабристон	Гулшанда маҳалласи	“Шайх Арслонбобо”
13.	Қабристон	Севган маҳалласи	“Қилич Хўжа бобо”
14.	Қабристон	Собурзон маҳалласи	“Аннақулибобо”
15.	Қабристон	Собурзон маҳалласи	“Надирбиби”
16.	Қабристон	Қўнғирот маҳалласи	“Ибн Ямин бобо”
17.	Қабристон	Аччиққуйи маҳалласи	“Асқар Эшонбобо”
18.	Қабристон	Қўнғирот маҳалласи	“Шаҳидбобо”
19.	Қабристон	Собурзон маҳалласи	“Дўст Муҳаммадбобо”
20.	Қабристон	Гулбоғ маҳалласи	“Абдураззоқбобо”
21.	Қабристон	Баёт маҳалласи	“Бектурдибобо”
22.	Қабристон	Гулбоғ маҳалласи	“Яккатут бобо”
23.	Қабристон	Янгиер маҳалласи	“Зайниддинбобо”
24.	Қабристон	Ширшоли маҳалласи	“Хазрати Муҳаммад Саид”
25.	Қабристон	Дўстлик маҳалласи	“Шайх Абдуллоҳий”
26.	Қабристон	Гулбоғ маҳалласи	“Мискинбобо”
27.	Қабристон	Дўстлик маҳалласи	“Ибодулла Эшонбобо”
28.	Қабристон	Собурзон маҳалласи	“Шайх Ҳусайнбобо”
29.	Қабристон	Ғалтак маҳалласи	“Мавлоно шайх Ҳусайин Хоразмий”
30.	Қабристон	Таган маҳалласи	“Учтепа бобо”
31.	Қабристон	Собурзон маҳалласи	“Хўжалар”
32.	Қабристон	Қўриқтом маҳалласи	“Ёдгорбобо”
33.	Қабристон	Гулбоғ маҳалласи	“Иброҳим ота”